

Қ А Р О Р

2025 йил февраль ойининг 13 куни жиноят ишлари бўйича Ургут туман суди, Ургут туманидаги 3-сонли умумтаълим мактаби биносидида, очик сайёр суд мажлисида, туман судининг раиси, судья Ғ.Негматовнинг раислигида, Қ.Эсановнинг котиблигида, Ургут туман ИИБ 1-сон ИИБ профилактика инспектори Ф.Шодмоновнинг иштирокида,

Ургут туман ИИБ бошлиғининг муқаддам судланган Шодиев Акмал Ахмадовичга нисбатан маъмурий назорат ўрнатиш тўғрисидаги тақдимнома ва илова қилинган 1-3-1416-2501/16-сонли иш хужжатлари билан танишиб чиқиб қуйидагиларни,

А Н И Қ Л А Д И :

Шодиев Акмал Ахмадович (Shodiyev Akmal Akmadovich), 1970 йил 1 октябрь куни Ургут туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилалик, вақтинча ишсиз, муқаддам судланган, Ургут туман “Хўжагузар” маҳалласида яшайди.

Муқаддам судланган Шодиев Акмал Ахмадович, охириги марта 12.03.2014 йилда жиноят ишлари бўйича Охангарон туман суди томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 3-қисми “а” банди, 25,28,273-моддаси 5-қисми билан айбли деб топилиб, ЖКнинг 59,60,61-моддаларига асосан 11 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 03.05.2019 йилги ажримига кўра, ўталмай қолган 5 йил 5 ой 25 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси ЖКнинг 74-моддасига асосан шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилиб, жиноят ишлари бўйича Ургут туман судининг 21.04.2021 йилги ажримига кўра ўталмай қолган 4 йил 2 ой 20 кун ахдгоқ тузатиш ишлари жазоси ЖКнинг 46-моддасига асосан шу муддатга озодликни чеклаш жазосига алмаштирилган ва шу суднинг 28.05.2024 йилги ажримига кўра, ўталмай қолган 1 йил 3 ой 5 кун жазосидан ЖКнинг 73-моддаси 3-қисми “в” бандига асосан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган.

Судга, Ургут туман ИИБ бошлиғи томонидан тақдимнома киритилиб, муқаддам судланган А.Шодиев жазони ўтаб чиққанидан ўзига тегишли хулоса чиқармасдан, фойдали меҳнат билан шуғулланмасдан, 23.07.2024 йилда Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 123-моддаси билан, 26.07.2024 йилда Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 56¹-моддаси билан маъмурий жавобгарликка тортилганлиги, бундан ташқари Ургут туман “Хўжагузар” МФЙ раисининг билдириш хати ва Ургут туман ИИБ 1-сон ИИБ профилактика инспекторининг билдиргисида, муқаддам судланган А.Шодиев мунтазам равишда жамиятда юриш-туриш қоидаларини бузиб, ҳуқуқбузарлик содир этиб келаётганлиги сабабли келгусида у томонидан янги жиноят содир этилишини олдини олиш мақсадида, унга нисбатан маъмурий назорат ўрнатиш сўралган.

Судда сўралган Шодиев Акмал Ахмадович ўз кўрсатмасида, ҳақиқатдан ҳам охириги марта 12.03.2014 йилда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 3-қисми “а” банди, 25,28,273-моддаси 5-қисми билан айбли деб



топилиб, 11 йил озодликдан махрум қилиш жазоси тайинланиб, 28.05.2024 йилда ўталмай қолган 1 йил 3 ой 5 кун жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинганлиги, шундан сўнг жамоат жойида содир этган ҳуқуқбузарликлари учун 23.07.2024 йилда МЖТКнинг 123-моддаси билан, 26.07.2024 йилда МЖТКнинг 56¹-моддаси билан маъмурий жавобгарликка тортилганлиги, шунингдек, МФЙ раиси ва ИИБ ходимлари тўғри ҳаёт кечиришни тавсия қилиб, қонунларга итоат қилмаса унга нисбатан маъмурий назорат ўрнатилиши ҳақида расмий равишда огоҳлантиришганлиги, ҳозирда қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, бундан кейин ҳуқуқбузарлик содир этмаслигини билдириб, қонуний енгиллик беришни сўраган.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 апрель кунидаги “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида”ги Қонунига асосан маъмурий назорат ўрнатиш тавсия қилинган.

Суд, ушбу тақдимнома ва илова қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, Ургут туман ИИБ 1-сон ИИБ профилактика инспектори Ф.Шодмоновнинг тақдимномани қаноатлантириш ҳақидаги фикрини эшитиб, муқаддам судланган А.Шодиев жазони ўтаб чиққанидан сўнг ўзига тегишли хулоса чиқармасдан, жамоат жойларида ҳуқуқбузарликлар содир қилиб юрганлиги ва келгусида уни бирон-бир жиноят содир қилишининг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 апрель кунидаги “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида”ги Қонунига асосан унга нисбатан маъмурий назорат ўрнатишни лозим деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 апрель кунидаги “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида”ги Қонунининг 6-10 моддаларига қўлланиб суд,

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

Муқаддам судланган **Шодиев Акмал Ахмадович (Shodiyev Akmal Axmadovich)**га нисбатан 6 (олти) ой маъмурий назорат ўрнатилсин ва унга қуйидаги чеклашлар қўлланилсин.

- 1) Кеч соат 22:00 дан эрталаб соат 06:00 гача яшаш уйидан чиқиб кетмаслик;
- 2) туман ИИБ рухсатисиз Самарқанд вилояти ҳудудини тарк этмаслик;
- 3) Ургут туман ИИБга келиб ҳар ойнинг 15 санасида рўйхатдан ўтиб туриш мажбуриятлари белгилансин.

Қарорни ижро қилиш ва унга бўйсунмаслик оқибатларини тушунтириш Ургут туман ИИБ зиммасига юклатилсин.

Қарор устидан ўн сутка ичида Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича апелляция инстанциясига апелляция тартибида, белгиланган муддат ўтгач эса кассация тартибида хусусий шикоят берилиши ёки прокурор протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи судья:

Ғ.Негматов

